O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 12 октябрь № 212 (3487) Сешанба

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисида

***Республика ҳудудида барча транспорт турларининг юк ва йўловчилар ташиш ишларини мақбул ҳолга келтириш, самарадорлигини ошириш ҳамда оқилона ташкил этиш, транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантириш ва барқарор ишлашини таъминлаш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида:***

1. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, "Ўзавтойўл" ДАК, транспорт коммуникациялари қурилиши билан шуғулланувчи республика лойиҳа ва қурилиш ташкилотларининг Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари этиб белгилансин:

барча транспорт турлари — темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспортининг транспорт тузилмалари фаолиятини мақбул ҳолга келтириш, республика ҳудуди ва унинг ташқарисида юклар ҳамда йўловчилар ташиш самарадорлиги ва мақбуллигини таъминлашга қаратилган ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг юк ва йўловчилар ташиш соҳасида муттасил ортиб бораётган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда республиканинг Ягона туташ транспорт тизимини истиқболда ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш;

транспорт тармоғини ва логистика тизимини ривожлантириш, янги транспорт коммуникацияларини жадал суръатлар билан барпо этиш, уларнинг юк ва йўловчилар ташиш имкониятини ошириш ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

транспорт коммуникациялари ҳамда иншоотлари қуриш ва уларни реконструкциялаш, транспорт воситаларини янгилаш ва модернизациялаш учун инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, шунингдек инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича таклифларни халқаро ташкилотлар ва тузилмалар, хорижий мамлакатлар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, халқаро юк ташувчиларга Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб транзит юклар ташишни кўпайтиришлари учун шарт-шароитлар яратиш, транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида хорижий давлатлар билан мустаҳкам, ўзаро манфаатли ва самарали алоқалар ўрнатиш;

транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифода этиш;

республика транспорт тизими фаолиятининг барқарорлиги ва хавфсизлигини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 11 октябрь.



*Хўжаобод тумани пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида Хўжаободдан ташқари Булоқбоши тумани хўжаликларидан келтирилган 20 минг тонна пахта қабул қилиб олинади ва қайта ишланади. Қайта ишланган маҳсулотнинг асосий қисми хорижга жўнатилади.*

*— Қабул қилинаётган маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор берилаётир, — дейди жамият лаборанти Гулузро Собирова. — Негаки, сифатли маҳсулотдан келадиган даромад ҳам салмоқли бўлади. Бундан эса ҳосил етиштирувчилар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам манфаатдор.*

**СУРАТДА: жамият лаборанти Гулузро Собирова иш устида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## *Касбининг катта хирмони*

Мамлакатимизда энг йирик пахта етиштирувчи туманлардан бири ҳисобланган Касби тумани деҳқонлари йиллик шартнома режасини ортиғи билан уддаладилар. Давлатга 62.800 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳар бир гектар майдондан йиғиштириб олинган «оқ олтин» 28,3 центнерни ташкил қилди. Саронжомланган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга сотилди. Пахтачиликдан 16 миллиард сўмдан ортиқ даромад, 5 миллиард сўм соф фойда олиш кўзда тутиляпти.

Муваффақиятга Алишер Навоий номли, С. Насафий номли, Ш. Рашидов номли, "Майманоқ", М. Улуғбек номли, "Комилон", "Қашқадарё", "Пахтакор" ширкат хўжаликлари, "Ғалаба", Ҳ. Хўжақулов номли фермер хўжаликлари уюшмалари муносиб улуш қўшдилар. Биргина, Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги давлатга 4800 тонна ўрнига 7000 тонна пахта сотди.

Айни пайтда ҳам туман далаларида йиғим-терим мавсуми сафарбарлиги сусайгани йўқ. Ҳар куни йиллик режанинг 1-1,5 фоизи миқдорида хомашё йиғиштириб олинмоқда.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## ШРЕДЕР ТЕРМИЗДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Покистон ва Афғонистон сафаридан қайтаётган Германия федерал канцлери Герхард Шредер 11 октябрь куни Термизда тўхтаб ўтди. Шаҳар аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, терроризм ва наркобизнесга қарши курашишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилишга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашишга қаратилган қатъий сиёсатини қадрлаймиз, — деди Г.Шредер.

**(ЎзА).**

*Халқ — янгиланган парламент иштирокчиси*

## БИРГИНА ОВОЗ

### сайлов натижаларига таъсир қилиши мумкин

***Икки палатали парламент пойдевори қўйилаётган шу кунларда юртдошларимизнинг сиёсий фаоллиги Ватан тараққиёти билан бевосита алоқадор эканлигини ҳис этиш муҳимдир. Табиийки, Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан тараққий этиши учун эркин фуқаролик жамияти вужудга келиши керак. Бунинг муҳим шартларидан бири жаҳоний мезонларга мос ва азалий қадриятларимизни ҳисобга олган қонунлар яратилишидир. Бундай ҳуқуқий замин эса, ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, ўз ваколат ва вазифалари аниқ белгиланган икки палатали парламент томонидан рўёбга чиқади.***

Баъзан шундай гаплар қулоққа чалиниб қолади: хўш, икки палатали парламент маъқул экан, нега истиқлолнинг дастлабки йилларида шу шаклга ўтмадик? Гап шундаки, у даврда Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги бўйича муайян тажриба тўпланмаганди (Шўро даврида собиқ марказ қонунларидан нусха кўчириб келинганини эсланг). Олий Мажлиснинг ўтган икки чақириғи фаолият кўрсатган йиллар мобайнида ривожланишнинг зарурий босқичи босиб ўтилди.

> ***Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.***
>
> (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасидан).

Шуни таъкидлаш зарурки, икки палатали парламентга ўтиш халқимиз хоҳиш-иродасига биноан амалга оширилмоқда: 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда шундай йўл танлаш учун халқимиз томонидан «оқ фотиҳа» берилганди.

Шундай савол қўяйлик: Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида ва Сенатида кимлар иш олиб боради? Бу саволга табиийки, сайлов натижаларидан жавоб олинади. Яъни, халқ ҳукми ҳал қилади. Шундай экан, олий давлат вакиллик органига муносиб номзодларнинг сайланиши овоз беришда иштирок этадиган ҳар бир фуқарога боғлиқ. Демак, халқ янгиланган парламентнинг вужудга келтирилишида бевосита иштирок этади.

Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги учун ўз салоҳиятини фидо қилишга шай кишиларнинг парламентдан ўрин олиши учун фуқаролар қай пайт ўз сўзларини айтишлари керак? Сайлов куни овоз бериш кабиналаридами? Депутатликка номзодлар билан танишгандами? Бизнинг назаримизда, юртдошларимизнинг фуқаролик позицияси ҳозирданоқ — сайлов кампанияси бошланган кунларда фаоллик ва аниқлик касб этса, айни муддао бўларди.

Негаки, сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар томонидан номзодлар танлашда халқнинг фикри қанча кўп ҳисобга олинса, сайлов кампаниясининг кейинги босқичларида кўнгилдаги натижага эришиш шунча енгил кўчади.

Афсуски, ҳануз «Менсиз ҳам сайлов ўтаверади» деган кайфиятда юрганлар йўқ эмас. Ҳозирги демократик сайловларнинг шўро давридаги овоз беришдан фарқи жудаям катта. Ўша йиллар кимнинг сайланиши аввалдан ҳаммага маълум эди. Энди эса муқобил номзодлар ичида ким депутат бўлишини, керак бўлса, биргина овоз ҳам ҳал қилиши мумкин. Содда қилиб айтганда, эллик фоиз ва плюс 1 овоз депутатни аниқлаб беради. Ўша бир овоз меники бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Модомики, менинг овозим шунчалик аҳамиятли экан, нега ўз ҳуқуқимдан фойдаланмаслигим керак? Шу маънода сайловга лоқайдлик билан қараган фуқаро беихтиёр ўз ҳуқуқини ўзи чеклаб қўйган бўлади.

Номзодликка муносиб кишиларни кўрсатиш, улар ичидан энг арзийдиган вакилларни сайлашдан, аввало, ўзимиз манфаатдормиз. Агарки эртанги ҳаётимиз даражаси сайлов натижаси билан боғлиқ экан, нега энди ҳозирдан ўз фикримизни билдирмаймиз, фаол ҳаракат қилмаймиз?! Президентимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» деган қанотли иборалари жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрнини топаётган мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишига ҳам дахлдордир.

> ***Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган деб ҳисобланади.***
>
> («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддасидан).

Келинг, шу азиз Ватан барчамизники экан, унинг тақдирига ва истиқболига ҳар биримиз ўзимизни тааллуқли ҳисоблайлик.

**Ш. ЖАББОРОВ.**

## УМРБОД ЭСЛАБ ЮРАМАН

### *дейди Яккабоғ туманидаги Жуман Михлиев номли ширкат хўжалиги ижарачиси Қўйли Ҳасанов*

Ишонинглар, бугун жуда бахтиёрман, шодлигим ичимга сиғмайди. Ўзи нима гап дерсиз. Эшитган ҳам бўлсангиз керак. Президент билан учрашдим. Ислом Каримов билан! Пахта майдонини оралаб юргандим. Ишора қилишди. Қарасам кўп мошин. Не кўз билан кўрайки, Президентимиз юзларидан нур ёғилиб, мен томонга келаяптилар. Ё худо-ей дедим. Тушимми-ўнгимми дейман. Ўзлари. Улуғ инсон, ҳамма севган Ислом Каримов, эл-юрт бошига кўтарган одам, рўпарамдалар. Менга қўл узатдилар. Қўлларини олдим. Ҳаяжонимдан эсломаяпман. Салом сўзини айтолдимми, йўқми? Омонэсонмисиз демоқчи бўламан. Тилим калимага келмайди. У киши бўлса қўлимни маҳкам сиққанча, аҳвол сўрайдилар. Қандай яшаётганлигим билан, рўзғорим қандай кечаётганлиги билан қизиқдилар.

Кейин денг, ишдан гап очилди. Дилимда борини сўзладим. Хаёл-бехаёл далага ишора қилдим. Бирга пахтага кирдик. Атроф оппоқ. Биринчи терим дейсиз. Президент ҳам ҳайрон. Топшириқ бажарилган. 40 центнерга яқин ҳосил олинган гектаридан. Далада бунақа манзара. Қўл урилмагандай. Бу ҳолат азиз меҳмонни жуда хурсанд қилди шекилли, «Яшанг» дегандай менга кўз ташладилар.

Шу денг Ислом Каримов савол берсалар, бир оғиз-икки оғиз жавоб бериб турдим. Пахтанинг навини сўрадилар. «Бухоро-6» дедим. Шу нав менга ёққанлигини айтдим. Навни яратган олимга раҳмат, дедим. Яна денг 10 гектар майдонда пахта етиштирган экансизлар, сиз билан неча киши бу ерда меҳнат қилади, деб сўраб қолишди. Ўзим билан тўрт киши дедим. Қизим Нилуфарни айтдим. Яқин қариндошимиз Ўрол Абдинабиевни айтдим. Оиламни айтдим. Хуллас, тўрт киши 10 гектар майдонни обод қилишини айтдим. Ишласа бўларкан, дедим. Ўсимлик билан тиллашмоқ керак. Ниҳолнинг нима демоқчи эканлигини рангидан билса бўлади. Бизларга сув беринг ё ўғит беринг, дейди. Деҳқон ана шундан адашмаса бас. Кейин ғўза томир ёйиб, кучайиб, ўсаверади.

Президент билан ана шу масалада билганларимни айтдим. Кейин нима бўлди денг. Шундай буюк одам биздан нима ёрдам керак, деб қолсалар бўладими? Миямга битта фикр келди. Рози бўлсангиз сиз билан бир суратга тушмоқчийдим, дедим. Келинг, деб қўлтиғимдан олсалар бўладими? Шу жойда кўзимдан ёш чиқди. Ёшни артай десам уялдим. Барибир билинди. Бирга суратга тушдик. Шу палла ўғил-қизларимнинг гапи эсимга тушиб кетди. Улар ота, бувам ким бўлганлар, расмлари йўқми, деб сўрашарди. Отам ҳақида фарзандларимга аниқ бир гап айтолмайман. Чунки ота дийдорига тўймаган одамман. Бир ёшга етганимда отам вафот қилганлар. Бу ҳам етмагандай ўн ёшга етар-етмас онагинамдан ажралганман. У пайтларда сурат нима, суратчи ким — хаёлимга келмаган. Суратларини қайдан топай. Ўғил-қизларим эса мендан сурат сўрашаверади. Мана энди Президент билан тушган суратим бор. Бахт, омад дегани шу бўлса керак. Тақдиримдан хурсандман. Рўзғорим бут, қозон қайнайди, сигир соғилади, тандир ёқилади. Ун, ёғ, сотиб олмасак, қатиқ-сут ўзимиздан чиқса, яна нима? Мол-мулкимиз ўзимизга етиб ортади. Худога шукр ерли бўлдик. Замонамдан ўргилай. 10 гектар ерим бор. Ҳозир пахтадан фойда кўп бўлаяпти. Бу йилги ҳисоб-китобимга кўра 15 миллион сўм даромад кутаяпмиз. Шундан 5 миллиони соф фойда. Соф фойдани тўрт кишига бўлиб кўринг. Камми? Кам эмас. Одам бошига миллиондан ошиб тушяпти. Яна томорқадан қанча фойда? Битта мол семиртириб сотсам, камида ярим миллион сўм бўлади. Худога шукр топган тутганимиз етиб ортади.

Ижарачи деҳқон Қўйли Ҳасанов билан мириқиб суҳбатлашдик. Кайфи чоғ, пахтазорга қараб, кулиб турибди. Бир учи уфқ билан туташган пайкаллар ҳам деҳқонга ҳавас билан боққандай туюлади. Беҳисоб чаноқлар табассум қилаётгандай, деҳқонга «офарин» айтаётгандай туюлади. Суҳбатдошимиз пахтазордан нигоҳини узмайди. Пахта экиб кам бўлмаганлигидан, чўнтаги пул кўрганлигидан, орзу-умидлари рўёбга чиқаётганлигидан хурсанд кўринади у. Катта-кичик тўю-маъракалар ўтказса, маблағдан қийналмаслигига ишонади. Чунки унинг чўнтагига миллионлаб пул тушаяпти. Ота-боболари узоқ йиллар ишлаб, пешонасига офтоб нури тегмай кетди. Бугун эса техника рулини бошқариб, чигит экади, пахта теради. Қанча кўп даромад кўрса, ўзига насиб этади. Деҳқон ана шундай кунлар келишига ишонади. Шунинг учун у ҳам тиниб-тинчимайди. Тонгларни уйқусиз кутар, лекин у чарчадим демайди, толмайди. У она тупроқ меҳри билан яшайди.

**Бозор ЭРҚОРОВ,**
**Фахриддин БОЗОРОВ.**



## Теннис юлдузлари Тошкент кортида

***Кеча пойтахтимизда Теннис бўйича Халқаро аёллар турнири «Тошкент опен — 2004» мусобақаларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.***

***17 сентябрга қадар давом этадиган ушбу нуфузли турнирнинг умумий соврин миқдори 140 минг АҚШ долларини ташкил этади.***

Маълумки, мазкур турнир кўп йиллардан бери нуфузи билан жаҳон спорт ишқибозлари эътиборини қозониб келмоқда. Бу сафар ҳам шундай бўлиши шубҳасиз. Чунки бу йилги баҳсларда ҳам дунёнинг АҚШ, Россия, Италия, Германия, Чехия сингари мамлакатларидан келган энг кучли 64 нафар ракетка устаси ўзаро баҳс юритади. Айниқса, улар орасида франциялик М. Бартоле, испаниялик М. Марреро ҳамда германиялик Анна Гренфелд каби теннис юлдузларининг иштироки баҳсларни чинакам шов-шувга айлантириши аниқ. Эслатиб ўтамиз, ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз, машҳур теннисчи Ирода Тўлаганова ҳам қатнашади.

— Ҳар бир мамлакат ўзининг машҳур спортчилари билан фахрланади, — деди Аёллар теннис ассоциацияси (WTA) вакили Бёрн Аллаван. — Юртингизда ҳам дунёга танқли Ирода исмли теннисчи бор. У жаҳондаги энг кучли ўн олти теннисчи рўйхатидан жой олганлиги ҳам фикримиз исботидир.

«Тошкент опен — 2004» турнирининг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими, Осиё теннис федерацияси вице президенти Р. Шоабдураҳмонов, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири А. Азизхўжаев, Ўзбекистон Олимпия қўмитаси президенти Р. Қурбонов иштирок этди.

**Рустам ЁРЛАҚАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Рашид ГАЛИЕВ**
**олган суратлар.**



## Ўзбекистон хориж матбуоти нигоҳида

### Рига-Нью-Йорк: бевосита парвоз

*Латвиянинг «Час» газетаси «Рига-Нью-Йорк: бевосита парвоз» мақоласида Латвия ҳукумати ташаббуси билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси «Тошкент-Рига-Нью-Йорк» йўналиши бўйича парвозларни йўлга қўйганини хабар қилади.*

*Мақола муаллифи Елена Титова бу мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривож топтиришда навбатдаги муҳим қадам бўлганини таъкидлайди.*

### Араб журналисти эътирофи

*Саудия Арабистонида нашр этиладиган «Arab news» газетасида «Ўзбекистонислоҳотлар ва узоқни кўзланган сиёсат эвазига ривожланмоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда муаллиф К. Рамкумар қуйидагиларни эътироф этади: «Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Мамлакатнинг кўплаб ташаббусларидан бири сифатида БМТ Хавфсизлик Кенгаши шафелигида терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш ғоясини келтириш мумкин. Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлида ҳам жонбозлик кўрсатяпти.»*

*Мақолада, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодий сиёсати иқтисодиётини тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришнинг илғор усуллари ва янги технологияларни қўллаш, экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ҳажмини оширишга қаратилгани таъкидланади.*

### «Минг бир кеча» эртаги мамлакатида

*Германиянинг «Шпигель» журнали ана шундай номли мақола эълон қилди. Унда Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Хиванинг сайёҳлик салоҳияти ёритилган.*

*Журналист Бэрбель Швертфегер Амир Темур даври усталарининг ажойиб ва такрорланмас меъморий обидаларига таъриф беради. Шу билан бирга муаллиф Германиянинг «Lernidee Reisen» сайёҳлик фирмаси томонидан уюштирилаётган саёҳатлар қатнашчиларини замонавий меҳмонхоналар ва мазкур афсонавий шаҳарлар аҳолисининг меҳмондўстлиги кутаётганини қайд этади.*

**«Жаҳон» АА.**

# Reuters: ТЕЗКОРЛИК, АНИҚЛИК, БЕТАРАФЛИК

### Reutersга ташриф

Олимлар ўтаётган асримизни ахборот асри дея атадилар. XXI асрни бундай аталишига BBC, CNN, Reuters, Associated Press каби ахборот агентликларининг, ҳақли равишда муносиб ҳиссалари бор. Улар тақдим этадиган янгиликларини одамлар интиқлик билан кутадилар. Бу агентликлар дунёнинг деярли барча оммавий ахборот воситалари учун хабар ва янгиликлар етказиб бериб, жаҳон сиёсат саҳнасида муносиб қадр-қимматга эга бўлди. Бироқ бу ташкилотлар дунёга ахборот тарқатишдан ташқари, кўпгина лойиҳа ва дастурларга бошчилик қилиши ҳаммага ҳам маълум бўлмаса керак.

13-24 сентябрь кунлари Англиянинг Лондон шаҳрида Reuters ахборот агентлиги жамғармаси томонидан ташкил этилган «Халқаро мавзуда янгилик ёзиш» тренинг дастури ана шундай лойиҳалардан бири бўлди. Унда қатнашиш учун Лондонга дунёнинг Бразилия, Миср, Яман, Колумбия, Эл-Сальвадор, Нигерия, Уганда, Малайзия, Ямайка, Украина, Грузия ва Ўзбекистон каби давлатларидан ёш журналистлар етиб келишди.

### Таҳририятда

Машғулотларнинг биринчи кунининг иккинчи ярмида Reuters ахборот агентлиги таҳририятида ҳозир бўлдик. Улкан ойнаванд бинога киришимиз билан ҳар биримизга «меҳмон» деб ёзилган бейжик топширилди. Учрашувга мўлжалланган хонада чой, қахва ва ширинликлар тортилгач, агентликнинг тузилиши ва фаолиятини ўргана бошладик. Бу ердаги ишларнинг изга қўйилиши четдан келган кишида ўзгача таассурот қолдиради. Ҳар бир ходим бўйнида бизнинг ойлик йўл чипталарига ўхшаган нишон осилган. Аслида бу — махсус рухсатнома экан. Шу рухсатнома эшикка ўрнатилган ускунага теккизилгач, эшик оҳиста очилади. Рухсатномани эсдан чиқарган ходим таҳририят биносига мутлақо кира олмайди, кирган тақдирда ҳам ҳаракатлана олмайди. Чунки ҳар бир эшик рухсатномасиз очилмайди.

Таҳририятда 400 нафардан ортиқроқ одам ишлайди. Бизни турли асбоб-ускуналарга тўла, улкан хонага таклиф этишди. Катта хона, ҳамма бир-бирини бемалол кўра олади. Хона деворига агентлик фотожурналистлари томонидан дунёнинг турли бурчакларида туширилган суратлар илинган. Бу суратлар хонага ўзгача бир руҳ бахш этиб турибди. Кимдир телефонда интервью олаяпти, яна кимдир янгиликлар матнини тераяпти. Хуллас, ҳамма атрофдаги воқеликни унутган ҳолда ўз вазифасига шўнғиб кетган.

— Бизнинг мақсадимиз ва аудиториямиз Би-Би-Синикидан фарқ қилади. Биз уларга ўхшаб 24 соат давомида эфирга чиқмаймиз, — дейди муҳарририят вакили Кейт Соммервилль. — Чунки 24 соат давомида бир нарсани такрорлайвериш томошабинни ҳам, ўқувчини ҳам зериктиради. Агентлигимизнинг мақсади — барча оммавий ахборот воситаларини теша тегмаган аудио, фото ва видеоматериаллар билан таъминлашдир.

Ўша куни агентлик ходимлари бутун эътиборини "Бэтмен" либосини кийиб олган бир намойишчига қаратишган эди. Бу шахс барча хавфсизлик тўсиқларини кесиб ўтиб, Қироличанинг расмий қароргоҳи ҳисобланган Букингем саройининг иккинчи қаватига чиқиб олади. Турмуш ўртоғи билан ажрашгандан кейин фарзандларини кўриш ҳуқуқидан маҳрум бўлган оталар номидан намойиш уюштирган бу шахс узоқ муддатли музокаралардан кейингина саройни тарк этишга рози бўлди.

— Сизлар воқеалар авжида келиб қолдинглар, — дейди мутойиба билан бизга ҳамроҳлик қилаётган журналистлардан бири.

Мазкур агентликнинг ҳаёт билан қанчалик юзма-юз ҳаракат қилишини яна бир ҳолат намоён этди. Ташқарига чиқаётганимизда кираверишдаги ёстиқдай китобга кўзимиз тушди. Бу китобда агентлик учун ахборот тўплаётганда ҳалок бўлган журналистларнинг номлари битилган экан.

Машғулотларимиз доирасида кўплаб журналистлар, олимлар ва дипломатлар билан учрашишга муваффақ бўлдик. Машғулотларимиздан бири сайловларни ёритиш маҳоратига бағишланди. Биз 2001 йилда Замбияда бўлиб ўтган сайловлар мисолида бир неча мақола ёздик. Улар муҳокама қилинди, баҳоланди. Ўқитувчи манба сифатида Reuters агентлиги мухбирининг сайловларда ғолиб чиққан номзод билан қилган телеинтервьюсини намойиш этди. Интервью тугагач:

— Бу журналист кимлигини биласизларми? — сўради у биздан.

— Йўқ, — деб жавоб бердик бир овоздан.

Шунда ўқитувчимиз:

— Бу журналист ҳозиргина кўрсатилган интервью учун ана шу янги президентдан пора олиб агентлигимиздан бўшатиб юборилган... Бунақаси ҳатто Reuters ходимлари орасида ҳам бўлиб туради, — дея дарсни давом эттирди у.

### Би-Би-Си билан танишув

Би-Би-Си жаҳон хизмати айни пайтда инглиз тилидан ташқари дунёнинг 42 тилида (шу жумладан, ўзбек тилида) ахборот узатади. Қизиғи шундаки, Би-Би-Си бошқа оммавий ахборот воситалари тутмаган йўлни танлаган. Улар кўпинча ўз эшиттиришлари, кўрсатувлари ва сайтларида оддий одамлар фикрини кўпроқ баён этишга интилишади. Айниқса, бирор муҳим сиёсий воқеа юз берган пайтда исталган одам ўз фикрини билдириш ёки ёзиб қолдиришлари учун барча имконият яратилади.



"Биз учун оддий инсонлар фикри муҳим. Чунки кўпинча энг зўр ва кутилмаган фикрлар жойдаги одамдан чиқади. Ана шу фикрларни юқори мартабали мансабдор шахсларга етказиш имконимиз бор. Шу орқали халқ ва ҳукумат орасидаги кўприк вазифасини бажарамиз", дейди агентлик таҳририят вакили Дэвид Ковелл.

Ҳар бир ташкилотнинг мақсад ва вазифалари бўлгани каби оддий Би-Би-Сининг ҳам мақсади аниқ экан.

"Мақсадимиз дунё таниган ва ҳурмат қилган халқаро ахборот манбаси бўлиб Британия фаровонлиги учун хизмат қилишдир", дейилади Би-Би-Си жаҳон хизмати директори Нигель Чапманинг маърузасида.

Қисқа гурунг ва бир пиёла чойдан сўнг бизни Би-Би-Си жаҳон хизматининг бўлимлари билан таништиришди. Мен грузиялик касбдошим Софи Квинтрадзе билан Марказиий Осиё ва Кавказ хизматига кирдик. Бу ерда бизни хизмат бошлиғи Ҳамид Исмоилов кутиб олди. Табиийки, узоқ юртда ўзбекларни кўриб хурсанд бўлиб кетдик. Улар ҳам Ўзбекистондан эканлигимни билиб роса қувонди. Бу ерда қозоқ хизмати журналистлари билан ҳам танишдик. —Би-Би-Сида фаолият бошлаётган одам биринчи кунданоқ ўзини шу ташкилот учун энг керакли одам деб ҳисоблайди. Шу ҳолатнинг ўзи ҳар бир ходимни профессионалликка, тезкорликка ва ижодий интилувчанликка ундайди. Айнан шу омиллар менда ишимга нисбатан меҳр уйғотади, — дейди Би-Би-Сининг қозоқ хизмати ходими Дина Жансагимова.

### Мулоқот

Амалий машғулотларнинг ҳар бири тўғрисида ҳаяжон билан гапириш мумкин. Айниқса, журналистнинг қайноқ нуқталарда фаолият юритишига бағишланган суҳбатлар ғоят эсда қоларли бўлди. Қайноқ нуқталарда жон сақлаш бўйича Би-Би-Сининг собиқ мухбири Майк Уильямс сабоқ берди. У хонага кириб келди-да, темир сандиғини столга қўйди.

— Бунинг ичида нима борлигини биласизларми? — дея сўради у.

Биз эса одатдагидек "йўқ" жавобини бердик. Шунда у сандиғини очиб ичидагиларни столга сочиб юборди. Стол турли ашқол-дашқолга тўлиб кетди.

— Агар сизни бирор оловли нуқтага юборишадиган бўлиб қолишса, бу буюмларнинг қайсиларини олиб кетардингиз? — деб яна кутилмаган савол берди у.

Биз буюмлар ичидан пичоқ, компас, қошиқ ва шунга ўхшаш нарсаларни танладик.

— Агар ёниб турган жойда шулар билан фаолият кўрсатаман десангиз, у ерга бормаганингиз яхши, — деди у ҳаммани ҳайратда қолдириб. — Чунки ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган жойда бир неча текширувлардан ўтишга тўғри келади. Ва бундай текширувлар натижасида бу буюмларингиздан ажраб қолишингиз ҳеч гап эмас.

— Бўлмаса нималарни олишимиз керак? — дея сўрадик.

— Тўғри, бу буюмлар ҳам керак бўлади, лекин энг кераги ювиниш хонасидаги ванна тиқини ва эшикни орқа тарафидан беркитиб қўйиш имконини берувчи мана бу тиргакдир, — деб у бизга пластмассадан ясалган уч бурчак буюмни кўрсатди. — Агар сиз бориб қолган жойда ҳарбий ҳаракатлар бошлангудек бўлса сувсиз қолишингиз ҳеч гап эмас. Шунинг учун ювиниш хонасидаги ваннани сув билан тўлдириб қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Тиқин шунинг учун керак. Мана бу тиргак эса кечаси бехавотир ухлашингиз учун! Бундай вазиятларда ҳамма нарсага тайёр туриш лозим!

Англиянинг тарихий меъморчилиги турли мамлакатлардан келган касбдошларимнинг саёҳат қилиш иштиёқини ошириб, унинг булутли ҳавоси бироз уйқусини келтирган бўлса-да, машғулотларимиз жонли ва қизғин ўтди.

Кунларнинг бирида бизни Англияга таклиф этган Reuters агентлиги жамғармаси лойиҳалар раҳбари Жо Вейр хоним машғулот иштирокчилари билан танишгани келди. Шунда Колумбиядан келган Наталия исмли касбдошим:

— Кечрасиз, Вейр хоним, бизни бу ерга таклиф қилиб, харажатларимизни ўз бўйниларингга олиб, ўқитишдан жамғарма ва агентлик нима фойда кўради? деб сўради.

Бу саволдан кейин хонага бир оз сукунат чўкди.

— Жуда тўғри савол. Минг қилганда ҳам журналистсизлар-да, — деди лойиҳа раҳбари. — Биринчидан, мижозларимиз турли хил хайрия ишларини амалга ошираётганимизни кўришини хоҳлаймиз. Энг асосийси, ривожланаётган мамлакатлар журналистлари малакасини ошириб, миллатлар орасидаги ҳамжиҳатликка ҳисса қўшишдир.

Машғулотлар охирги кунида ўқитувчимиз Паул Иредейл қўлига қалам олди-да, биздан икки ҳафта давомида ўрганган нарсалардан энг эсда қолган сўз ва ибораларни айтишни сўради. Кўп ўтмай оппоқ қоғозда "аниқлик, бетарафлик, тезкорлик, яхлитлик, холислик, эҳтиёткорлик" каби сўзлар пайдо бўла бошлади. Биргаликда эсдалик расмга тушгач, Паул жаноблари:

— Шу сўзлар эсингизда қолибди, мен вазифамни бажардим деб ҳисоблайман. Умуман олганда эса, мен сиз иштирокчилардан кўп нарса ўргандим. Сизлардан менинг кўнглим тўлди! — дея биз билан миннатдор хайрлашди.

**Хуршид РАУПОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Тошкент-Лондон-Тошкент.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Афғонистонда президент сайлови

*Хабарингиз бор, шанба куни Афғонистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. 9 октябрь афғонистонликларга давлат раҳбарини тўғридан-тўғри демократик йўл билан сайлаш имконини берган тарихий кун сифатида эътироф этилди.*



*Сайлов кунининг ўзидаёқ мамлакат президентлигига даъвогар 18 номзоддан 15 нафари сайлов натижаларини тан олмаслигини билдиришди. Номзодларнинг барчаси Афғонистоннинг амалдаги етакчиси Ҳамид Карзайни ўзларининг асосий рақиби сифатида билишади. Улар сайлов қонунчилиги қўпол тарзда бузилганлигини таъкидлашмоқда.*

*Баъзи номзодлар мазкур айблов расмий жиҳатдан қайта кўриб чиқилишини талаб қилишмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, кузатувчи сифатида қатнашган халқаро ташкилотлар ўтказилган сайловни адолатли дея баҳоламоқда. Хусусан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг қайд этишича, сайлов натижаларини бекор қилишни сўраётган номзодлар етарлича асосга эга эмаслар.*

*Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, сайлов жуда уюшқоқлик билан ўтган. 10,5 миллион сайловчидан 10 миллион нафари сайлов участкаларига келиши ҳам буни тасдиқлайди. Дастлабки маълумотларга қараганда, амалдаги муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай, генерал Абдурашид Дўстум, собиқ халқ таълими вазири Юнус Қонуний кўпроқ овоз олишган. Сайлов натижалари яқин кунларда эълон қилинади.*

### Норозилик намойиши

*Нигерияда тўрт кунлик умуммиллат норозилик намойиши бошланди. Акция қатнашчилари ёнилғи нархининг 25 фоизга оширилишига шу йўл орқали ўз қаршиликларини билдиришмоқда. Кўплаб касаба уюшмалари, Нигерия Меҳнат конгресси ҳукумат нархларни тушириш борасида бирор чора кўрмаса, норозилик намойиши давом эттирилишини маълум қилди.*

*Нигерия Африка қитъасида энг кўп нефть экспорт қиладиган давлат ҳисобланади. Ҳукумат ва касаба уюшмалари ўртасида юзага келган зиддият жаҳон нефть бозорига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Унинг баҳоси яна кўтарилди.*

### Тайван музокарага тайёр

*Тайван президенти Чен Шуйбянь Хитой билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, икки томонлама музокараларни тезлаштириш ўртадаги зиддиятнинг ҳарбий можароларга айланиб кетишининг олдини олиши мумкин. Шу ўринда Тайван етакчиси АҚШдан бир неча миллиард долларга қурол-яроғ сотиб олиш мақсади борлигини ҳам билдириб ўтди.*

*Маълумки, расмий Пекин ўз мустақиллигини қўлга киритишга уринаётган Тайваннинг барча ҳаракатларини диққат билан кузатиб турибди.*

### Расмий маълумотларга қараганда...

*Пентагоннинг расман маълум қилишича, Ироқда ҳарбий операциялар бошлангандан буён АҚШ қуролли кучлари 1065 нафар аскар ва зобитларидан айрилди. Шундан 810 нафари жангарилар билан юз берган ҳарбий тўқнашувларда, 255 нафари бахтсиз ҳодиса қурбонига айланишди.*

*Ўтган йилнинг 1 май куни АҚШ президенти Жорж Буш Ироқда асосий ҳарбий ҳаракатлар якунланиши муносабати билан қилган чиқишида, мамлакат армияси 900 нафардан ортиқ аскар йўқотганлигини маълум қилганди.*

### Одамсимон маймун

*Марказий Африка чангалзорларида тадқиқот олиб бораётган олимлар шу пайтгача фанга номаълум бўлган одамсимон маймунни учратишди. Конго Демократик Республикаси шимолидан топилган ушбу махлуқ шимпанзе ва гориллага ҳам ўхшаб кетади. Унинг бўйи икки метрни ташкил қилади. Бошқа тур маймунлардан фарқи, у дарахтда эмас, ерда яшайди.*



*Олимлар мазкур топилма ёввойи табиат синоатларини очишда катта воқеа бўлганини эътироф этишмоқда. Маҳаллий аҳоли вакилларидан бирининг айтишича, бундай маймунлар Конгонинг маълум бир ҳудудида яшайди.*

**Жаҳон матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

# истиқболга йўл очади

— Банк фаолиятида туб ўзгаришлар қилинишига асос солинганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Сўнгги икки йил йил давомида уч эмиссиядан иборат, номинал қиймати беш минг сўм бўлган ютуқли Халқ банки сертификатлари ҳамда икки эмиссиядан иборат номинал баҳоси минг ва икки минг сўм бўлган жамғарма (депозит) сертификатлари сотувга чиқарилди. Халқ банкининг Андижон вилоят муассасаларида 200.0 миллион сўмдан ошиқроқ миқдорга мазкур сертификатлар сотилиб, нақд пул тушиши асосан ижтимоий тўловларни ўз вақтида тарқатилишига йўналтирилди. Қўшимча равишда,

миллион сўмдан зиёд.

**— Банкнинг қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги иштирокини фаоллаштириш, аҳолининг банк депозитларида пул маблағларини сақлашдан манфаатдорлигини ошириш масаласи қандай кечмоқда?**

Марказий банкнинг жисмоний шахслар учун мўлжалланган 10.000 ва 20.000 сўмлик облигацияларидан 40.0 млн. сўмдан ортиқ сотилди. Банк муассасаларида аҳолидан жалб қилинган маблағлар давлат қисқа муддатли облигацияларини харид қилишга йўналтирилмоқда.

**— Кредит сиёсатининг асосий йўналишларидан бири аҳоли кенг қатламларининг талабини қондиришдан иборатдир. Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз?**

— Аҳолининг истеъмол бозорини кенгайтириш мақсадида фақатгина жорий йилда 250.0 млн. сўмга яқин миқдорда кредит ажратилди. — Банкнинг туман (шаҳар) филиаллари кредит портфели миқдори йил бошидаги 630,0 млн. сўмдан 1,1 млрд. сўмга ўсишига эришилди. Бошқача айтганда қисқа муддатда 500,0 млн. сўмга яқин миқдорда кредит ажратилди.

Шунингдек, мижозлар талабини ўрганган ҳолда узоқ ва қисқа муддатли кредитлаш амалга оширилмоқда. Биргина ўтган 6 ой давомида 28 мижозга 250,0 млн. сўмга яқин миқдорда кредит ажратилди. Ўз навбатида берилган кредитлар мижозларнинг айланма маблағларини кўпайишига ва уларнинг нақд пул тушумларининг ортишига олиб келмоқда.

**— Пластик карточкалар ўзининг қулайлиги, қатор афзалликлари билан мижозлар қизиқишини оширмоқда. Бу борада банк томонидан қандай тадбирлар белгиланган?**

— Халқ банки банклараро пластик карточкалар тизими аъзолигига киритилган бўлиб, унинг мижозлари мамлакатимиздаги йирик банклар ва улар томонидан ўрнатилган банкоматлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга. Банкимиз томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалиётини ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ойлик маошларни пластик карточкалар орқали бериш йўлга қўйилмоқда. Эндиликда пенсия тўловларини ҳам пластик карточкалар орқали тарқатилишини мижоз розилиги асосида амалга ошириш йўлга қўйилди.

Корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақларини банк шохобчалари орқали тарқатиш анъанавий хизмат турларидан ҳисобланади. Энди уни пластик карточкалар билан бериш амалиётини қўллаяпмиз. Шу мақсадда йирик корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Халқ банкининг бошқа тижорат банкларидан яна бир афзаллиги шундаки, у аҳолини ижтимоий муҳофазалашга қаратилган Давлат дастурини амалга оширувчи ягона молиявий муассасадир. Банкимиз кам таъминланган оилаларга, 2 ёшли ва 16 ёшгача болали оналарга ҳукуматимиз томонидан белгиланган нафақа ва ёрдам пулларини тарқатмоқда. Ҳозиргача мазкур тўловлар бўйича 10,5 млрд. сўм тўланиб, ушбу кўрсаткич ойига ўртача 1,4 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

**— Ўзбекистон "WESTERN UNION" тизими асосида банк муомалаларини бажарувчи 187-мамлакат ҳисобланади. Бу тизим мижозларни топшириғига кўра, халқаро пул ўтказмалари билан шуғулланади. Андижонликлар хизматнинг бу туридан қай даражада баҳраманд бўлмоқда?**

— "WESTERN UNION" тизимини ўзлаштираётган банклар сони республикамизда тобора кўпаймоқда. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида вилоятимизда ҳам "WESTERN UNION" компаниясининг халқаро электрон пул ўтказиш тизими хизмати йўлга қўйилди.

Биргина жорий йилнинг июнь ойида 652 фуқаронинг чет эл валютасидаги маблағи ўз эгаларига тарқатилди. Йил бошидан эса жами 3759 та фуқарога хизмат кўрсатилди.

Ҳозирги кунда мазкур қулайлик банкимизнинг Андижон, Асака шаҳарлари ҳамда Пахтаобод, Қўрғонтепа, Шаҳрихон туман (шаҳар) филиалларида ҳам яратилди. Булоқбоши, Хўжаобод, Марҳамат, Балиқчи, Хонобод филиалларида ҳам "WESTERN UNION" пунктини очиш режалаштирилмоқда.

Халқ банки ўз номи билан халқники. Уни янада ривожлантириш, салоҳиятини ошириш, нуфузига-нуфуз қўшиш кўп жиҳатдан ходимлар малакаси, мутахассисларнинг билим ва тажрибасига боғлиқ. Шундай экан, сафимизга келиб қўшилаётган ёшларга ғамхўрликни янада кучайтирамиз. Истиқболли ёш ходимларга ҳар томонлама ёрдам бериб, касб маҳоратларини ошириб боришига асосий вазифамиз сифатида қараймиз.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.** t


## ТЕНДЕР ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

**Тендер номи —**

**Пахта тозалаш корхонасини реконструкция қилиш.**

**Лойиҳа номи —**

**«Ўзпахтасаноат» уюшмаси Сирдарё вилояти ҳудудий бирлашмаси тизимидаги «Оқ олтин» ва «Сардоба» пахта тозалаш корхоналарини реконструкция қилиш.**

Пахта тозалаш саноатини техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш дастурига асосан «Оқ олтин» ва «Сардоба» пахта тозалаш корхоналарини реконструкция қилиш 2005 йилга режалаштирилган.

Танловда қатнашиш истаги бўлган корхона ва ташкилотлар қуйида келтирилган манзилдан тўлиқ маълумотларни ва танлов ҳужжатларини олиши мумкин. Танлов ҳужжатларини олиш 2004 йил 15 октябрдан бошланади ва ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача берилади. Таклифлар 2004 йил 26 ноябргача юборилиши шарт. Кечикиб топширилган таклифлар қабул қилинмайди.

2004 йил 29 ноябрда тендер комиссиясига тақдим этилган лойиҳалар «Ўзпахтасаноат» уюшмаси Сирдарё вилояти ҳудудий бирлашмасида тендерда қатнашаётган барча вакиллар иштирокида кўриб чиқилади.

Тендер комиссияси мазкур танлов бўйича иштирокчилар томонидан таклифларни тайёрлаш ёки уни етказиб бериш харажатларини қоплаш учун ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**Манзил: Гулистон ш., Носир Зокиров к., 114-уй, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси Сирдарё вилояти ҳудудий бирлашмаси.**
**Тел.: (код 8-3672) 25-04-05, 25-42-14, 25-16-83.**



# Миллий қўғирчоқлар кўргазмаси

Шу кунларда Ўзбекистон амалий санъат музейида хоразмлик эртакчи-драматург, қўғирчоқсоз уста Мансурбек Қурёзовнинг «Хива қўғирчоқлари» кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Кўргазмада катта ва кичик қўғирчоқларни кўриш мумкин. Хоразм вилоятида ҳозиргача «Ашшадароз», яъни бўйи узун маъносини берувчи катта қўғирчоқлар мавжуд. Улардан тўй-тантаналарда ўйин-кулги учун фойдаланилган. Қўғирчоқ ёрдамида қўшиқлар айтишган, ёшлар дил изҳори қилишган.

— «Миллий маданият, қадрият, санъат, тарбия, мафкурани ўзида мужассамлаштирган мана шу қўғирчоқлар ёш авлодда миллатимизга, тарихимизга, Ватанимизга меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини уйғотсин деган мақсадда ижод қиляпман» — дейди Мансурбек Қурёзов.

Ҳа, бу ажойиб инсон яратган қўғирчоқлар кўргазмага келган ҳар бир инсонни ҳайратга солади, деб умид қиламиз.

**СУРАТДА: М. ҚУРЁЗОВ қўғирчоқлари билан.**

**Р. АКМАЛОВ олган сурат.**

# Фирибгарлик «қопқони»

## Жиноят жазосиз қолмас

Навоий вилоятининг Кармана туманида Тамара Хўжаевани сўроқлаб келувчилар кўпайиб қолди. Эмишки, Т. Хўжаева «Жанубий Корея ва Германияга ёлланма ишчи жўнатармиш». Фирибгарлик оқибатида эндиликда кўнгил жароҳати тузалмаётган, хорижга бориш учун алданиб, берган пулларини ололмаётганлар Тамаранинг исмини эшитса, худди аччиқ қалампирни оғизга солгандек афти бужмаяди.

Одамларни алдаш, ишончини суиистеъмол қилишни доимий касб қилиб олган Т. Хўжаева муқаддам 1999 йилнинг 20 августида Қизилтепа туман судининг ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» банди ва 228-моддаси 2-қисми «б» бандлари билан айбли, деб топилиб, судланган. Амнистияга асосан жазодан озод қилинган. Бундан ўзига тегишли хулоса чиқармаган бу аёл Шаванбай Нурметов деган кимса билан жиноий тил бириктириб, фирибгарликни яна давом эттирган.

Хорижга ишга бориш илинжида фирибгарларнинг уйига дори-дармондан тортиб, бозордан қуруқ мевагача ташиган, харажат устига харажат тортган фуқароларга орзу қилган мамлакатга жўнайдиган кун кўринмасди. «Сиз борадиган мамлакатда олимпиада ўйинлари бўляпти, тугасин, кейин жўнайсиз», «Тилни тезроқ ўрганиб олинг, қийналмайсиз» сингари баҳоналарнинг чеки йўқ эди. Т. Хўжаева ва Ш. Нурметовлар йигирмадан ортиқ фуқародан фирибгарлик йўли билан 16 миллион 545 минг сўм пулни қўлга киритишган. Суд айбдорларга қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Хорижга ишга боришга бизда ҳеч бир монелик йўқ. Аммо бу иш кимларнингдир воситачилигида эмас, балки хоҳиши бор фуқаронинг онгли ҳаракатида қонун асосида амалга оширилишини ҳеч биримиз унутмайлик.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**журналист.**

# Сизни «Ишонч телефони» эшитади

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси «Йўл ҳаракати қоидалари»ни, ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини тарғиб қилиш, ҳайдовчи ва пиёдаларни намунали ҳаракат иштирокчисига айлантириш, шунингдек, ўз сафларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш йўлида қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Албатта, бундай тадбирларни бажариш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш фақатгина шу соҳа ходимларининг эмас, балки барчанинг бирдек вазифаси бўлиши керак. Шу маънода жамоатчилик фикри биз учун ғоятда муҳимдир.

Юқорида баён этилган фикрларга асосланган ҳолда биз фуқароларимизга Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларида кечаю-кундуз фаолият кўрсатадиган «Ишонч телефонлари»нинг рақамларини эълон қиламиз. Сиз йўлларда содир бўлган транспорт билан боғлиқ турли ҳолатлар, йўл-транспорт ҳодисалари, ҳайдовчилар томонидан йўл қўйилаётган қоидабузарликлар, шунингдек, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг иш фаолиятларидаги камчиликлар ҳақида ана шу телефонларга қўнғироқ қилишингиз ва ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингиз мумкин.

| № | ҲУДУДЛАР | ТЕЛЕФОН КОДИ | ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ |
|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 8-361 | 217-68-97 217-09-91 |
| 2. | Андижон вилояти | 8-3742 | 24-54-42 24-56-48 |
| 3. | Бухоро вилояти | 8-365 | 224-35-05 224-18-43 |
| 4. | Жиззах вилояти | 8-372 | 226-48-02 226-22-12 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 8-375 | 114-71-12 |
| 6. | Наманган вилояти | 8-3692 | 24-50-00 24-48-44 |
| 7. | Навоий вилояти | 8-4362 | 23-75-90 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 8-3662 | 22-23-23 31-12-12 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 8-3762 | 22-41-04 22-41-05 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 8-3672 | 27-32-93 27-21-02 |
| 11. | Тошкент вилояти | 8 371(2) | 162-74-83 64-38-94 |
| 12. | Тошкент шаҳри | 8- 371(2) | 136-11-66 55-98-04 |
| 13. | Хоразм вилояти | 8-3622 | 25-60-05 25-50-86 |
| 14. | Фарғона вилояти | 8-3732 | 24-49-50 24-32-51 |
| 15. | ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси | 8-371 | 144-28-49 144-28-50 |

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси.


## Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети

**қабул комиссияси 2004-2005 ўқув йилига пулли-тўлов шартнома асосида таълим тури, тили ва йўналишлари бўйича тавсия этилган абитуриентлар рўйхатини 2004 йил 28 август ва 25 сентябрда “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида эълон қилган эди. Шу абитуриентлардан бўш (вакант) қолган ўринларга Давлат қабул комиссиясининг 27 сентябрь қарорига мувофиқ давлат тест маркази қайдномасида навбатда турган қуйида келтирилаётган балларни тўплаган абитуриентларни пулли-тўлов шартнома асосида танлаган йўналишлари бўйича ариза билан қабул комиссиясига мурожаат этишларини сўраймиз.**

### Таълим шакли — кундузги

| | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1001 | Математика ва информатика | 91,00 ва ундан юқори |
| 1002 | Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими) | 68,00 ва ундан юқори |
| 1004 | Кимё ва экология | 113,40 ва ундан юқори |
| 1005 | Биология ва инсон ҳаётий фаолият муҳофазаси | 107,70 ва ундан юқори |
| 1006 | География ва иқтисодий билим асослари | 89,80 ва ундан юқори |
| 1007 | Ўзбек тили ва адабиёти | 115,40 ва ундан юқори |
| 1015 | Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари | 126,40 ва ундан юқори |
| 1018 | Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш | 93,10 ва ундан юқори |
| 1019 | Мактабгача таълим ва болалар спорти (Мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология) | 71,50 ва ундан юқори |
| 1021 | Педагогика ва психология | 90,00 ва ундан юқори |
| 1025 | Инглиз тили | 145,10 ва ундан юқори |
| 1026 | Немис тили | 117,00 ва ундан юқори |
| 1033 | Тарих | 110,4 ва ундан юқори |
| 1042 | Машинасозлик | 68,00 ва ундан юқори |
| 1045 | Агрономия | 68,00 ва ундан юқори |
| 1150 | Мусиқий таълим | 68,00 ва ундан юқори |
| 1182 | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 68,00 ва ундан юқори |
| 1275 | Амалий санъат | 68,00 ва ундан юқори |
| 5201 | Қозоқ тили ва адабиёти | 75,70 ва ундан юқори |

### Таълим шакли — махсус сиртқи

| | Таълим йўналишлари | Баллар оралиғи |
|---|---|---|
| 1002 | Меҳнат таълими | 68,00 ва ундан юқори |
| 1018 | Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш | 72,10 ва ундан юқори |
| 1019 | Мактабгача таълим ва болалар спорти | 75,50 ва ундан юқори |
| 1150 | Мусиқий таълим | 68,00 ва ундан юқори |
| 1182 | Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 68,00 ва ундан юқори |

**Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентларни ректор номига ёзма ариза билан 2004 йил 15 октябргача қабул комиссиясига шахсан мурожаат этишларини ва шартномаларни расмийлаштириб тўловларни бажаришларини сўраймиз.**
**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, университетнинг 4-ўқув биноси.**
**Қабул комиссияси ва маркетинг бўлими телефонлари: 55-70-27, 55-50-77.**


# Энг яхши китобхон оила

***Республикамизда оилавий китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва ривожлантириш борасида ибратли тадбирлар ўтказилмоқда. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда Ўзбекистон давлат консерваториясида «Энг яхши китобхон оила» кўрик-танловининг республика босқичини ўтказди.***

Қизғин ва мунозарали кечган бу танловда иштирокчилар учта шарт бўйича беллашдилар. Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра олий ўрин Андижон вилоятидан Қурбоновлар оиласига берилди. Биринчи ўринни эса Ҳамидовлар оиласи (Тошкент вилояти), Жумаевлар оиласи (Навоий вилояти) эгаллади. Иккинчи ўринга Хоразм вилоятидан Қурбоновлар оиласи, Самарқанддан Эшқуловлар оиласи, Наманган вилоятидан Файзиевлар оиласи муносиб деб топилди. Учинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикасидан Мадаминовлар оиласи, Тошкент шаҳридан Файзиевлар оиласи, Бухоро вилоятидан Рўзиевлар оиласи, Сурхондарё вилоятидан Тўраевлар оиласига насиб этди.

Жиззах, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидан қатор оилалар рағбатлантирувчи мукофотга эга бўлдилар. Ғолибларга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан пул мукофотлари ҳамда ташкилий қўмитанинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Шавкат ЁЛДАШОВ.**

# ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛДИ

***БУХОРО. (ЎзА мухбири Илҳом САФАР).***

Ромитон туманидаги Минглар, Вагане ва Киетон қишлоқлари аҳли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошлади. Мазкур қишлоқларда яшовчи фермерлар саъй-ҳаракати билан 4,3 километрлик водопровод қувури ётқизилди.

Яқин кунларда Сардарипоён ва Маҳалла қишлоқларига ҳам тоза ичимлик суви етиб келади. Туман бўйича жорий йилда тўққиз қишлоқ аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди.




50/50

Ўзингиздан эмас — «ЎзДЭУавто» автомобилларидан тежанг!

«ЎзДЭУавто» компанияси “Асака” банки билан биргаликда — **«ЎзДЭУ автомобиллари — кредитга!»** номли янги акциясини ўтказмоқда. Энди сиз, «ЎзДЭУавто» автомобилининг **50 фоиз** нархини тўлаб, унга эгалик қилишингиз, қолган **50 фоизини** эса, йиллик **16 фоизни** инобатга олган ҳолда, **2,5 йил** ичида тўлашингиз мумкин.

**Шошилинг! Акция фақат 2004 йил охиригача давом этади.**

Хизматлар лицензияланган

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

«ЎзДЭУавто» компаниясининг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

Маълумот учун телефонлар: 68 2410, 67 9774

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

*қуйидаги талаб ва кўрсаткичларга жавоб берадиган оқ рангли форма кўйлаги матосини харид қилиш учун тендер эълон қилади:*

- *мато таркиби (тузилмаси) — (65% полиэстер + 35% вискоза ёки 85% полиэстер + 15% пахта);*
- *мато кенглиги — 100-150 см.*

*Техник ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.*

Маълумот ва тендер ҳужжатларини тайёрлаш бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 120-76-60, оператор 120-76-00, ички телефонлар: 26-09, 26-11.

Ташкилот ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси ТИАА «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги

даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлаш учун дори-дармонларни сотиб олишга тендер савдолари эълон қилади.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2004 йил 12 ноябрь соат 14.00 гача (Тошкент вақти).

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 75- уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси. Телефонлар: 68-75-10,68-25-51,факс 68-75-96.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Экспертизадан ўтказиш кенгаши бўлим бошлиғи **Саидбурхон Ёқубович МАҲМУДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари институтнинг Ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбари, тиббий хизмат полковниги **Усмон НОРМУРАДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси 1-болалар жарроҳлиги кафедраси доценти **Шамситдин БАҲРАМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —1167. 21502 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 21.50 23456